- Navoiyning jahonga tanilgan shoir ekanligi aytilgan
- Forsiy shoirlarning Navoiy ijodiga munosabati ifodalangan.

O'qituvchi o'quvchilarning Navoiy ijodiga umumlashtiradi va o'z munosabatini bildiradi.

3-bosqich. Har ikki matn asosida badiiy va ilmiy uslubga xos xususiyatlarni

2 Daminov T, Adambekova T. O'yin mashg'ulotlari. Toshkent: 1993-y/

3 Xasanboeva O. Oila pedagogikasi. Toshkent: 2007-y.

aniqlash. Bu bosqichda har bir uslubning o'ziga xos xususiyatlari aniqlanadi. Birinchi matnda badiiy uslubga xos quyidagi xususiyatlar qo'llangan: tasviriy ifoda

(zanjirband she'r) ko'chma ma'noli so'zlar (she'riyat osmoni, yulduzlarga hira tortdi, shuhratiga soya soldi). Ikkinchi matnda ilmiy uslubga xos quyidagi xususiyatlar qo'llangan: raqamlar (1441 yil tug'ilgan, XV asr 60-yillar), aniq dalillar Yevropa va Osiyo davlatlarini, Nizomiy Ganjaviy, Sadiy, Hofiz Sheroziy, Abdurahmon Jomiy kabi tarixiy shaxs nomlari, A.Jomiyning Navoiy haqidagi fikri keltirilgan. "Alisher Navoiy" matni shu metod yordamida o'rganilsa, o'quvchilar matn mazmunini yaxshiroq anlaydilar ularning mazmuniga chuqurroq kirib boradilar matnlarni qiyoslash orqali ularning mohiyatini teran idrok etadilar va interfaol metodlar o'quvchilarni fikrlashga, darslarda faol qatnashishga, darslarda faol ishtirokchi bo'lishiga o'rgatadi. Shunday qilib, yuqoridagi interfaol metodlarni ta'lim jarayoniga tatbiq etish asosida ta'lim samaradorligini oshirish va ta'lim jarayoniga zamonaviy yondashish dasturi amal bo'lib qoladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Tolipov O. Umumiy pedagogika Toshkent: 2007-y.
2. Yo'ldashev O. Pedagogika Toshkent: 2008-y.
3. Xasanboeva O. Oila pedagogikasi. Toshkent: 2007-y.
4. Daminov T, Adambekova T. O'yin mashg'ulotlari. Toshkent: 1993-y/

References

1. Tolipov O. Umumiy pedagogika Toshkent: 2007-y.
2. Yo'ldashev O. Pedagogika Toshkent: 2008-y.
3. Xasanboeva O. Oila pedagogikasi. Toshkent: 2007-y.
4. Daminov T, Adambekova T. O'yin mashg'ulotlari. Toshkent: 1993-y/

ЖАНУБИЙ ЎЗБЕКИСТОНДА АНТИК МЕЪМОРЧИЛИК ВА ШАҲАРСОЗЛИК

Яхшиев Анвар Журакулович

Солиқ қўмитаси ҳузуридаги Фискал институт доценти,

тарих фанлари номзоди.

Тошкент шаҳри, тел.: +998946420662

Аннотация: Ушбу мақолада ўз даврида Шимолий Бактрия деб номланган Жанубий Ўзбекистоннинг антик давр меъморчилиги ва шаҳарсозлиги масаласи узоқ йиллар давомида олиб борилган тадқиқотлар натижаларига асосланган ҳолда, мазкур тадқиқотлар жараёнида қўлга киритилган ашёвий далилларга таяниб ҳамда бу борада мавжуд илмий адабиётлар маълумотларини умумлаштирган ҳолда Сурхон воҳаси мисолида очиб берилган ва тегишли илмий хулосаларга келинган.

Калит сўзлар: антик давр, эллинишув, меъморчилик, шаҳарсозлик, маданий алоқалар, анъаналар, муҳофаа иншоотлари, маданий ёдгорликлар, маҳаллалар, кўчалар, меъморий режа, меъморий ечим.

Abstract: In this article, the issue of ancient architecture and urban planning of Northern Bactria is revealed on the example of the Surkhan oasis, based on the results of research conducted for many years, based on the material evidence obtained in the course of this research, and summarizing the information of the available scientific literature.

Key word: antiquity, Hellenization, architecture, urban development, cultural relations, traditions, defense structures, cultural monuments, neighborhoods, streets, architectural plan, architectural solution.

Аннотация: В данной статье вопрос античной архитектуры и градостроительства Северной Бактрии раскрывается на примере Сурханского оазиса, исходя из результатов многолетних исследований, на основании материальных свидетельств, полученных в ходе этих исследований, и обобщение информации доступной научной литературы.

Ключевые слова: древность, эллинизация, архитектура, градостроительство, культурные связи, традиции, оборонительные сооружения, памятники культуры,

кварталы, улицы, архитектурный план, архитектурное решение.

Тарихий адабиётларда шартли равишда Шимолий Бақтрия деб номланувчи географик ҳудуд қадимги даврлардан бошлаб Бақтрия мамлакати иқтисодий, маданий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Антик давр Бақтрия тарихида учта ўзига хос давр кузатилиб, бу даврлар ўлка маданий ҳаёти ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди. Дастлаб Бақтриянинг Александр Македонский салтанати таркибига кириши, кейин Салавкийлар давлати таркибида бўлиши ва ундан кейин мустақил Юнон-Бақтрия давлати фаолияти. Бу даврда ўлкада юнон маданияти намуналари ва юнон тили кенг ёйилади. Бу жараён юнонларнинг сиёсий ҳукмронлигидан ташқари, Кичик Осиё ва Эллададан истилочиларнинг кириб келиши ҳамда қатор шаҳар ва манзилгоҳлар барпо этилиши билан ҳам боғлиқ.

Тадқиқотчилар фикрича, антик давр Бақтрия меъморчилиги, маданияти ва санъатида қуйидаги омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлди: Қадимги Бақтрия анъаналари; эллинизмнинг таъсири; скифларга хос унсурлар; Кушонлар даври ижодий анъаналари; Ҳиндикуш орти вилоятлари, Панжоб ва Шарқий Парфия билан олиб борилган турли маданий алоқалар [1, 189].

Сурхон воҳасидаги кўпгина ёдгорликлар (Далварзин, Холчаён, Кўҳна Термиз, Айритом, Қоратепа) қурилиш услуби, ҳимоя иншоотлари, даҳма ва ибодатхона қолдиқлари, улардан топилган турли санъат намуналарида юқорида санаб ўтилган омиллар таъсири сезилиши билан бир қаторда, уларда маҳаллий анъаналарга асосланган ўзига хослик ҳам яққол кўзга ташланади.

Шимолий Бақтрия маданий ёдгорликларини, уларнинг бажарган вазифаси, қадимийлиги ва аҳамиятига кўра бир неча гуруҳларга ажратиш мумкин. Улар орасида янги асосларда тараққий этган ўзига хос шаҳарсозлик маданияти алоҳида кўзга ташланади.

Бақтрия шаҳарсозлигида турли даврларга оид маданий алоқалар катта аҳамиятга эга бўлиб, айни пайтда шаҳарлар қадимги Бақтрия анъаналарини ҳам сақлаб қолган. Пойтахт Бақтра (Балх) шаҳри ана шундай шаҳарлар жумласидандир. Ахамонийлардан сўнг бу шаҳарда дастлабки Юнон-Бақтрия подшолари даврида кўпгина қурилишлар амалга оширилиб, шаҳар янги ҳимоя деворлари билан ўралган. Бундан ташқари Юнон-Бақтрия даври охирларида Далварзинтепа ўрнида янги шаҳар пайдо бўлади. Шаҳарнинг аҳоли зич жойлашган қисмини

девор ва хандақлар билан ўраб олинади. Айрим уй ва кўрғонлар хандақдан шимол томонда қолади [2, 24].

Шимолий Бақтрия меъморлари мудофаа иншоотлари барпо этишда вазиятдан келиб чиқиб иш тутишган. Мисол учун, Кўхна Термизнинг мустаҳкамланган қалъа қисми мил.авв. III асрда илк Юнон-Бақтрия ҳукмдорлари даврида бунёд этилган бўлиб, иншоотнинг ҳимояланиши тўғри бурчакли режани ҳосил қилган. Иншоот мустаҳкам девор ва чуқур хандақ билан ўралиб, шимолий деворда дарвоза жойлашган, кейинчалик бу дарвоза ортида йирик шаҳар пайдо бўлган [3].

Холчаён ҳудудида ҳам шу даврда унча катта бўлмаган майдонда мустаҳкам ҳимояланган қисм (Қорабоғтепа) пайдо бўлади. Тўғри бурчакли бу қалъа ҳимоя девори ва хандақ билан ўралиб, ғарбий деворнинг марказида дарвоза ўрнатилган [4].

Бақтрия-Кушон шаҳарларининг нафақат ижтимоий, балки меъморчилик-режавий ўзига хослиги уларнинг атроф қишлоқ хўжалик ҳудудлари билан узвий алоқаси орқали ҳам ифодаланади. Кўхна шаҳарлар атрофидаги ариқлар тармоғи, боғлар ва узумзорлар ушбу алоқалардан далолат беради. Айрим ҳолларда суғориш тармоқлари шаҳарнинг топографик тузилишини белгилайди. Бу жиҳатдан Холчаён мисолидаги «узун шаҳарлар»нинг шаклланиши диққатни тортади. Юнон-бақтрия даврида асос солинган кўхна шаҳарнинг мустаҳкам ҳарбий-маъмурий қисми кушон даврига келиб ғарбга томон кенгайди ва суғориш канали ирмоғи бўйлаб шимолдан жанубга томон чўзилади [5, 115].

Бақтрия-Кушон шаҳарларининг ички режвий тузилиши ҳақидаги тасаввурларга Далварзинтепа харобалари янада ойдинилк киритади. Юқорида эслатилганидек, шаҳар тўғри бурчакли бўлиб, унинг шимолий қисмида кўхандиз жойлашган. Шаҳар ҳудудининг асосий тўғри бурчакли қисми ичида зич қурилишлар, яъни шаҳар марказининг учдан бир қисмида бой шаҳарликлар маҳаллалари, жануби-шарқий қисмида ўртаҳол аҳолининг унча катта бўлмаган уйлари, жануби-ғарбий қисмида кулоллар ва бошқа ҳунармандлар маҳалласи жойлашган [6, 16]. Одатда, қалъалар атрофи хандақлар билан ўралиб, иншоотлар шаҳар ҳудудига қараб бунёд этилган ва битта яхши кўриқланадиган кириш жойи (дарвоза)га эга бўлган [7, 12].

Шаҳар ичида диний эътиқодлар билан боғлиқ иншоотлар ҳам жойлашган.

Шимолий девор ёнидан Будда ибодатхонаси қолдиқлари, шимоли-шарқий бурчак яқинидан эса даҳма топилганлиги шундан далолат беради. Далварзин деворидан шимол томондаги табиий тепаликларда кушон даври маданий қатламлари мавжуд бўлиб, бу ерда кўрғонлар, шаҳар атрофи хўжалиги излари аниқланган [5, 116].

Тадқиқотчилар фикрича, кўҳна шаҳарлар воҳанинг илгари нисбатан ўзлаштирилган ҳудудларида пайдо бўлган бўлса, шаҳар атрофидаги майда манзилгоҳлар юечжилар ҳамда кушонлар даврида пайдо бўлган [8, 119].

Воҳада олиб борилган тадқиқотлар натижалари мил.авв. IV – мил. IV-V асрларда Шимолий Бақтрия – Тохаристон шаҳарлари ривожланишининг уч босқичини: қарор топиш, гуллаб-яшнаш ва инқирозга учраш жараёнини бошдан кечирганлигини кўрсатади. Бу даврда Сурхон воҳаси шаҳарлари тадрижи қадимги Бақтрия ва эллинизм, айрим ҳолларда, ҳинд шаҳарсозлиги анъаналарининг ўзаро уйғунлашуви орқали намоён бўлади. Бу ҳолат маълум маънода сиёсий воқеалар билан боғлиқ эди. Хусусан, Александр Македонский Бақтрияни босиб олганидан сўнг бу ҳудудлар Салавкийлар ва Юнон-Бақтрия давлати таркибига киради ҳамда Юнонистон ва Македониядан кўплаб истилочилар кўчиб келиб, қалъа ва шаҳарларга асос соладилар [9, 148-160]. Кейинроқ эса юечжилар Бақтрияни босиб олиб Кушон давлатини барпо этгач, унинг таркибига Ҳиндистон ҳам кўшиб олиниши натижасида бу ҳудудларга буддавийлик эътиқоди билан бирга ҳинд маданияти унсурлари ҳам кириб келади.

Шимолий Бақтрия антик даври шаҳарларининг тузилиши ва режаси уларнинг асосида илгари мавжуд бўлган манзилгоҳлар билан боғлиқ эди. Тадқиқотчилар Шимолий Бақтриядаги шаҳарларнинг асослари билан бир-биридан фарқланувчи уч гуруҳини ажратадилар:

асослари ахамонийлар даврига бориб тақалувчи кўп қатламли шаҳарлар (Жондавлаттепа, Ҳайитободтепа ва Термиз);

Юнон-Бақтрия ёки салавкийлар даврида пайдо бўлган шаҳарлар (Далварзинтепа, Термиз, Холчаён, Кампиртепа);

Юечжи ёки кушонлар даврида пайдо бўлган майда шаҳарлар (Будрач, Зартепа, Ғаровтепа, Деновдаги Қалъа Минор ва бошқ.) [8, 79].

Бақтрия ҳудудларида қалъа ва кўрғонлар пайдо бўлгач, уларнинг теварагида тураржойлар вужудга келиб, шаҳарлар ривожланиши ва кенгайишига асос

солинади. Кушон даври барча катта ва кичик шаҳарлари илгарироқ манзилгоҳ пайдо бўлган ўринда қад кўтарган қалъаларга эга эканлиги ҳам шу билан изоҳланади.

Кўпчилик қалъалар шаҳар бурчагида жойлашиб, шаҳар иншоотлари таркибига кириб кетади. Далварзинтепа, Арпапоятепа мисолида шаҳар чегараларидан четда қолган ҳолатлар ҳам кузатилади. Баъзи қалъалар марказда (Ялангўштепа, Фаровқалъа), айримлари эса шаҳарнинг асосий қисмидан алоҳида ёки дарё қирғоғида (Термиз, Кампиртепа) жойлашган [10, 154].

Антик давр Сурхон воҳаси меъморчилигининг таҳлили шуни кўрсатадики, кўҳна шаҳарлар қалъалари ўз ўлчамлари ва режаси жиҳатидан бир-биридан фарқланади. Мисол учун, тўғри бурчакли (Кампиртепа, Термиз), тўртбурчак (Зартепа, Окмозортепа, Хайрободтепа), кўп бурчакли (Далварзинтепа). Энг катта қалъалар Термиз (10 га) ва Далварзинтепа (3 га) бўлиб, кўпчилик қалъалар 1 га дан 0,8 га.гача ўлчамга эга [5, 118].

Қалъалар, афтидан, шаҳарларнинг табақалашув – маъмурий бошқарилиши нуқтаи назаридан ўз тузилиши, мақсади ва бажарадиган вазифасига кўра ҳам бир-биридан фарқ қилган. Г.А.Пугаченкованинг фикрича, Ўрта Осиё антик давр шаҳарларининг маъмурий бинолари ва ҳукмдорлар саройларида турли хизматга оид омборлар, ҳарбийлар учун иншоотлар бир ерга мужассамлашган жой ҳисобланади [11, 236].

Шимолий Бақтрия антик даври меъморчилигининг юқори даражада ривожланиши кўп ҳолларда жадал олиб борилган қурувчилик фаолияти билан боғлиқ эди. Меъморчиликнинг нозик услублари оммавий тураржойлар билан бирга ибодатхоналар, саройлар ва бадавлат хонадонларга ҳам кенг қўлланилади.

Кўриб чиқиладиган даврда шаҳар қурилиши меъморий услублари урбанизациянинг юқори ривожланган даражасига кўтарилади. Бу ўрнида мудофаа иншоотларининг аҳамияти катта эди. Шимолий Бақтриядаги ҳимоя иншоотларини ўрганиш – Хайрободтепа, Кўҳна Термиз, Зартепа, Шўртепа, Кампиртепа, Далварзинтепа, Холчаён, Қумқалъа каби кўпгина ёдгорликлардаги қозишмалар орқали амалга оширилганлиги маълум.

Юнон-македон босқини даврида ҳарбий қамал услуби кенг қўлланиши натижасида юнон-бақтрия даврига келиб илгариги (аҳамонийлар даври) нисбатан

юпқа ташқи ҳимоя иншоотлари ўз аҳамиятини йўқотади. Сак-юечжи даврига келиб отлик кўшинлар ҳужумлари ҳисобга олинган ҳолда, мустаҳкам ҳимоя деворлари қад кўтара бошлайди. Кушонлар даврига келиб қамалга бардош бера оладиган мустаҳкам деворлар, суворийлар ҳужумини қайтариш учун деворларда ҳимоя шинаклари бўлган буржлар барпо этилиб, деворлар атрофида хандақлар қазилади. Буни Далварзинтепаннинг шу даврда мустаҳкамланган деворлари мисолида кузатиш мумкин.

Кушон даври ривожланган ҳимоя тартибини Қумқалъа, Хайрободтепа, Кампиртепаларда ҳам кузатиш мумкин. Улардаги ҳимоя иншоотлари баланд қилиб хом ғиштдан, баъзан пахсадан қад кўтарган. Уларнинг кўпчилигида тўғри бурчакли буржлар мавжуд бўлиб, уларда камончилар учун тўртбурчак ва учбурчак шакллардаги шинаклар ўрнатилган. Айтиш пайтда Бақтриянинг антик давр ҳимоя иншоотларида ярим айлана шаклдаги буржлар кам (Зартепа) учрашини қайд этиш жоиз [12, 76].

Ҳимояланиши жиҳатидан Амударёнинг ўнг қирғоғидаги Кампиртепа мудофаа иншоотлари диққатга сазовор. Бу ерда ҳам хандақ мавжуд бўлиб, маълум жойларда ирмоқлар ювишидан пайдо бўлган табиий чуқурликлардан фойдаланилган. Табиий тепаликда кичикроқ, ичида қалъаси мавжуд бўлган ҳамда деворлар билан ўралган шаҳарчага асос солинган. Қалинлиги 3 м бўлган ушбу деворлар хом ғиштдан қад кўтариб, тўртбурчак шаклдаги буржларга эга. Ички девор йўлаги ҳам мавжуд бўлиб, буржларда жанговар шинаклар ўрнатилган. Худди шунга ўхшаш қурилиш тартиби кушон даврига оид Жанубий Тожикистондаги Қумқалъа ва Кўҳнақалъа шаҳарлари [13, 113-124], Шимолий Афғонистондаги Дилбаржин, Комсар каби ёдгорликларнинг ҳимоя деворлари учун ҳам хосдир [14, 51-57].

Кушон даврига келиб ҳимоянинг энг қулай усули бўлган хандақларга катта эътибор берилади. Улар энди нафақат қалъаларни, балки шахристонни ҳам ўраб олиб, кенгроқ (15-20 метргача) ва чуқурроқ қазилади [5, 119]. Умуман олганда, антик давр Шимолий Бақтрия меъморчилигида шаҳарсозлик маданияти гуркираб ривожланди. Бу жараёнда ички ва ташқи режавий тузилиш ҳамда услублар, турли вазифаларни бажарувчи (маъмурий, ҳарбий, диний, тураржой) иншоотлар барпо этишга катта эътибор қаратилди.

Хуллас, ўрганилаётган даврда ўз даврида Шимолий Бақтрия деб юритилган

Жанубий Ўзбекистонда меъморчилик ва шаҳарсозлик турли омиллар таъсирида тараққий қилади. Бу жараёнга мамлакатдаги сиёсий ҳаёт, ўлканинг турли уюшма ва давлатлар таъсирида бўлиши, диний эътиқодлар, мамлакатнинг иқтисодий аҳволи, ҳарбий техниканинг такомиллашуви, ўлканинг ҳарбий ҳаракатлар доирасига тортилиши, халқаро савдонинг ривожини, турли халқлар маданиятининг ўлка халқлари маданияти билан уйғунлашуви, бой қадимий анъаналар, маҳаллий ўзига хослик ва бошқа кўплаб омиллар узлуксиз таъсир қилиб турган. Ана шундай мураккаб жараёнда Шимолий Бақтрия аҳолиси бошқа барча соҳаларда бўлгани сингари, меъморчилик ва шаҳарсозлик борасида ҳам ташқи таъсирларнинг ютуқларини ижобий ўзлаштириш билан бирга маҳаллий ўзига хосликни, қадимий анъаналарни ҳам сақлаб қолганлар. Маҳаллий анъаналар ҳамда юнон, ҳинд услубларининг ўзаро уйғунлиги ўзида ифода этган шаҳарлар антик даврда сон ва сифат жиҳатидан ўсиб, муҳофаа нуқтаи назаридан амалдаги муҳофаа ва қамал жангларига мослашди. Ҳозиргача очиб ўрганилган шаҳарсозлик излари бой ва шонли тарихнинг янги-янги саҳифаларини тўлдиришга хизмат қилиб, ўтмиш, бугун ва келажак ўртасида маданий ва маънавий кўприк вазифасини ўташда давом этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи кушан. – М. 1979.
2. Пугаченкова Г.А. Шедевры Средней Азии. – Т., 1986.
3. Массон М.Е. Городища Старого Термеза и их изучение // Тр. ТАКЭ. – Т., 1940-1941. – Т. 1.
4. Пугаченкова Г.А. Халчаян. – Т., 1966.
5. Яхшиев А.Ж. Шимолий Бақтриянинг антик давр тарихи ва маданияти. – Тошкент: Fan ziyosi, 2022.
6. Пугаченкова Г.А. Искусство Бактрии эпохи кушан. – М. 1979.
7. Пугаченкова Г.А. В поиске культурных ценностей прошлого. // Античные и раннесредневековые древности Южного Узбекистана. – Т., 1989.
8. Ртвеладзе Э.В. Новые древнебактрийские памятники на юге Узбекистана // ИМКУ. – Т., 1987. – Вып. 2.
9. Кошеленко Г.А. Греческий полис на эллинистическом Востоке. – М. 1979.

10. Ртвеладзе Э.В. Кушанская крепость Кампиртепа // ВДИ. – 1984. – №3.
11. Пугаченкова Г.А. Халчаян. – Т., 1966.
12. Савчук С.А. Цитадель Кампиртепа // Античные и раннесредневековые древности южного Узбекистана. – Т., 1989.
13. Литвинский Б.А., Пичикян И.Р. Археологические открытия на юге Таджикистана // Вестник АН СССР. – 1980. – № 7.
14. Кругликова И.Т. Дильберджин– Кушанский город в Северном Афганистане // Археология Старого и Нового Света. – М. 1983.

КЛИНИКО-МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ДИАГНОСТИКИ РЕДКО ВСТРЕЧАЮЩИЙСЯ ОПУХОЛИ ПОЧКИ

(клинический случай из практики)

Хайдаров Н.К, Баймаков С.Р, Бабакулов Ш.Х.

Аннотация: В этой статье мы решили поделиться клиническим случаем из нашей практики, в котором подробно представили одного из редко встречаемых гистологических форм рака почки с метастазами в печень, описали диагностику и лечения злокачественной эпителиоидной ангиомиолипомы. Благодаря иммуногистохимическому методу диагностики операционного материала был подтвержден диагноз со степенью дифференцировки, что является важным компонентом и путеводителем для дальнейшей таргетной терапии.

Ключевые слова: метастазэктомия, злокачественная эпителиоидная ангиомиолипома почки, морфология, иммуногистохимия.

КАМ УЧРАЙДИГАН БУЙРАК УСМАЛАРИНИ ДИАГНОСТИКАСИНИ КЛИНИКО-МОРФОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Хайдаров Н.К, Баймаков С.Р, Бабакулов Ш.Х.

Аннотация: Ушбу мақолада буйракда камдан кам учровчи ва жигарда метастаз билан намоён бўлган ёмон сифатли эпителиоид ангиомиолипоманинг жаррохлик йўли билан даволаш натижалари, диагностикаси ва морфологик хусусиятлари баён этилган. Ўтказилган иммуногистокимёвий текширув натижаларига асосланган холда, усманинг гистологик тури дифференцировка даражаси билан биргаликда тасдиқланди, бу эса уз навбатида таргет кимёвий терапия ўтказиш учун муҳим омил булиб хизмат килди.

Калит сўзлар: метастазэктомия, ёмон сифатли буйракнинг эпителиоид ангиомиолипомаси, жигарга метастаз, морфология, иммуногистохимия.

CLINICOPATHOLOGICAL DIAGNOSTIC FEATURES OF THE RARE

KIDNEY TUMOR CASE

Khaydarov N.K, Baymakov S.R, Babakulov Sh.Kh.

Annotation. The article describes a rare case study of surgical treatment, diagnostics and morphological features of the renal epithelioid angiomyolipoma in association with metastasis in the liver. Due to the implementation of the immunohistochemical

analysis, histological type of the tumor and its differentiation was identified. By means of these results was done target chemotherapy

Key words: metastasectomy, renal epithelioid angiomyolipoma, liver metastasis, morphology, immunohistochemistry.

В последнее время, как в Узбекистане, так и в мире, появилась тенденция к увеличению частоты развития опухолей почек, что не могло не привлечь внимание специалистов различных специальностей. Опухоли почек занимают 10-е место в раковом реестре среди всех новообразований (*Jemal A., 2012*) и смертности он «обгоняет» такой распространенный злокачественный процесс, как рак легких (*Smith R.A., Cokkinides V., Eyre H.J. 2014*). По данным канцер регистра Республики Узбекистан 2014 году первично выявлено 543 случаев, что составляет 1.8 на 100000 населения республики. (Наврузов С.Н., Вахобов О.У., Бабакулов Ш.Х.).

Согласно укоренившейся десятилетиями традиции, опухоли почек у взрослых принято ассоциировать с почечно - клеточным раком, часто именуемым «гипернефроидным раком» или «гипернефромой». Для того, чтобы максимально сократить число диагностических и тактических ошибок, в каждом случае необходимо помнить, что опухоль почки совсем не обязательно является «гипернефроидным раком». По мере развития онкологической науки и, в частности, углубления представлений о патогенетических механизмах возникновения и формирования опухолей, подходы к классификации новообразований почек поменялись. Одним из таких редких и трудно диагностируемых опухолей является ангиомиолипома. Наряду с классической ангиомиолипомой, гистологическая классификация ВОЗ предусматривает выделение потенциально злокачественной мезенхимальной опухоли, именуемой **эпителиоидной ангиомиолипомой, которая** составляет примерно 0,3% опухолей почек и на материале операций по поводу объемных образований почек выявляются в 1–3% случаев. Соотношение женщин к мужчинам составляет 2,6:1. Благодаря относительно небольшому содержанию жира эпителиоидные ангиомиолипомы при использовании методов лучевой диагностики визуализируются как почечноклеточный рак, что затрудняет клинициста при постановке окончательного диагноза и тактики лечения пациентов.

В 13–30% случаев ангиомиолипомы бывают множественными, а у 15% больных – двусторонними. Это обстоятельство необходимо иметь в виду, планируя выполнение по поводу ангиомиолипомы «органосохраняющей» операции – нефрэктомии. Размеры опухолевого узла могут составлять от 5–7 мм до 20 см и более. Чаще всего они являются «случайной» находкой при ультразвуковом исследовании. Клинические и лабораторные исследования, также свидетельствуют в пользу массивного внутреннего кровотечения, что наряду с болевым синдромом обычно служит основанием для экстренной лапаротомии. При операции выявляют кровоизлияние в паранефральном пространстве; после вскрытия паранефрия обнаруживают, что источником геморрагии является


спонтанно разорвавшаяся опухоль почки. Операция чаще всего заканчивается нефрэктомией, реже – резекцией пораженного опухолью полюса почки.

В большом количестве случаев на основании рутинного гистологического исследования с использованием красителей гематоксилина и эозина возможно поставить развернутый патогистологический диагноз, на основании которого онкоурологи назначают или корректируют дальнейшее лечение и составляют прогноз опухолевого процесса. Однако в последние годы все чаще встречаются сложные случаи, когда опухоль имеет настолько низкую дифференцировку, что становится трудно или даже невозможно поставить гистологический диагноз на основании обычного морфологического исследования, порой тяжело высказаться даже о происхождении опухоли – эпителиальный она имеет гистогенез или мезенхимальный. В таких случаях на помощь приходит иммуногистохимическое исследование (Петров С.В., Райхлин Н.Т., 2004).

В этой статье мы решили поделиться клиническим случаем из нашей практики, в котором подробно представили одного из редко встречаемых гистологических форм рака почки с метастазами в печень, описали диагностику и лечения злокачественной эпителиоидной ангиомиолипомы.

Больной Т. И., 1960 года рождения (55 лет). История болезни № 10052. Из анамнеза, больным себя считал с августа 2015 года, когда появились периодические боли в области правого подреберья и общая слабость. Обратился к урологу по месту жительства, при МСКТ выявлена опухоль правой почки и больному было рекомендовано обратиться в онкологическую клинику.

В последующем больной обратился в РОНЦ МЗ РУз и госпитализирован с диагнозом опухоль правой почки в урологическое отделение. При дальнейшем обследовании больного, эхоскопически было выявлено метастатическое поражение печени в 6 и 7 сегментах. Ниже приведены результаты диагностических исследований.



А

Б

Рис 1. УЗДГ: А - массивное объемное образование правой почки. Б - метастатическое поражение 6 и 7 сегмента печени.





Рис. 2. Экскреторная урография: Сдавление и смещение ЧЛС правой почки опухолью.




А

Б

Рис. 3. КТ% А – метастатическое поражение 6 и 7 сегментов печени. В – опухоль правой почки


Был проведен консилиум, решением которого было произведено оперативное вмешательство в объеме трансабдоминальной правосторонней нефрэктомии и атипичической резекции 6 и 7 сегмента печени. В 11.10.2015 году больному была произведена операция - правосторонняя трансабдоминальная нефрэктомия, атипичическая резекция 6 и 7 сегмента печени. При ревизии органов брюшной полости была обнаружена опухоль в правой почке размерами 10x17 см с тотальным поражением и поражения 6, 7 сегмента печени метастатическими узлами. (Рис. 4).



А

Б

Рис 4. Вид операционной раны: А опухоль правой почки. Б - после нефрэктомии и лимфаденэктомии, метастатические узлы в печени.




А

Б

Рис. 5. Макропрепарат: А – удаленная почка. Б - резецированные 6 и 7 сегменты печени

При гистологическом исследовании микропрепаратов был установлен диагноз -эпителиоидная ангиомиолипома почки, которая составляют примерно 0,3% опухолей почек и на материале операций по поводу объемных образований почек выявляются в 1–3% случаев. В гистологическая картине были выявлены сосудистые компоненты представленные извилистыми толстостенными сосудами, напоминающими артерии; однако, стенки сосудов характеризуются отсутствием эластических волокон и признаками фиброзирования. Гладкомышечные элементы образуют вокруг сосудов муфтообразные структуры; ядра гладкомышечных клеток гиперхромны, умеренно полиморфны; часто выявляются фигуры митозов. Ядра жировых клеток пикнотичны, располагаются эксцентрично (Рис 6).



А


Б

Рис 6. Гистологический препараты: А - Эпителиоидная (злокачественная) ангиомиолипома. Б - Метастаз в печени.

Для подтверждения диагноза и установления дифференцировки опухоли, также для прогнозирования болезни использовали иммуногистохимический метод исследования с антителами ДАКОс использованием системы визуализации Super Sensitive Polymer-HRP ИHC Detection Sysytem / DAB (BioGenex) в соответствии с прилагаемой инструкцией (Рис 7).

Полученные данные ИГХ показали позитивную экспрессию онкомаркера НВМ45, обозначающий что опухоль имеет туберозный склероз. Для определения дифференцировки

опухоли использовали онкомаркер А103 – в нашем случае наблюдалось гиперэкспрессия, соответственно опухоль имела высокодифференцированные свойства.



А

Б

Рис 7. Иммуногистохимическое окрашивание эпителиоидной ангиолипомы почки: А-экспрессия А103 на почечных клетках. Окрашивание почечных клетках сНВМ45.

Больной в удовлетворительном состоянии выписан домой, было рекомендовано 2 курса ПХТ. В настоящее время больной находится в динамическом наблюдении. Таким образом, морфологический и иммуногистохимический методы исследования в диагностике опухолей почек играют важное диагностическое и прогностическое значение. Оно может оказать помощь врачам патологоанатомам и урологам в сложных и неоднозначных ситуациях улучшить диагностику этой патологии, что даст возможность назначить адекватное лечение, а также прогнозировать течение опухолевого роста у больных

Литература

1. Воробьев А.В. Морфологическая классификация опухолей почки. Доброкачественные новообразования (особенности диагностики и лечения)
// Практическая онкология. – 2005. Т.6. №3. – С. 141-147.
2. Матвеев В.Б. Доброкачественные опухоли почки // Клиническая онкоурология / Под ред. Б.П.Матвеева. – М.:Вердана, 2003. – С.7_23.
3. Переверзев А.С. Хирургия опухолей почки и верхних мочевых путей. – Харьков, 1997. – 392 с.
4. Семенов И.И., Воронин Д.В., Волгина М.А. и др. Ангиомиолипома почки (клиника и лучевая диагностика) // Вопр.онкол. – 1997. – Т.43, №6. – С. 656_660.
5. Наврузов С.Н., Вахобов О.У., Бабакулов Ш.Х. (Материалы III конгресса онкологов Узбекистана, 2015) «Лечение распространенного рака почки»
6. Alvarado V Cabrero I. Intrarenalschwannoma // Pathology and Genetics of Tumours of the Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 75.
7. Amin M.B. Epithelioid angiomyolipoma // Pathology and Genetics of Tumours of the Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 68_69.
8. Bonsib S.M. Cystic nephroma // Pathology and Genetics of Tumours of the Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 76.
9. Bonsib S.M. Lymphangioma // Pathology and Genetics of Tumours of the Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 71.
10. Bonsib S.M. Leiomyoma // Pathology and Genetics of Tumours of the Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 70.

11. *Eble J.N.* Renomedullary interstitial cell tumour // Pathology and Genetics of Tumours of the Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 74.
12. *Eble J.N., Grignon D.J., Moch H.* Metanephric adenoma and adenofibroma // Pathology and Genetics of Tumours of the Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 44_45.
13. *Eble J.N., Moch H.* Papillary adenoma of the kidney // Pathology and Genetics of Tumours of the Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 41.
14. *Hasegawa T.* Solitary fibrous tumour // Pathology and Genetics of Tumours of the Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 75.
15. *Heitz Ph. U.* Paraganglioma / Pheochromocytoma // Pathology and Genetics of Tumours of the Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 85.
16. *Martignoni G., Amin M.B.* Angiomyolipoma // Pathology and Genetics of Tumours of Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 65_67.
16. *Reuter V.E., Davis C.J., Moch H.* Oncocytoma // Pathology and Genetics of Tumours of Urinary System and Male Genital Organs / Ed. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Isabell A. Sesterhenn. – Lyon: IARC Press, 2004. – P. 42_43.
17. Jemal A. Cancer statistics, 2002. *Cancer J.Clin.* 2002. Vol. 52. P. 23-47.
18. Patard J.J., Rioux-Leclercq N., Masson D. et al. Absence of VHL gene alteration and high VEGF expression are associated with tumour aggressiveness and poor survival of renal-cell carcinoma. *Br J Cancer.* 2009;101(8):1417-24.
19. Pathology and Genetics of Tumors of Urinary System and Male Genital Organs / Eds. John N. Eble, Guido Sauter, Jonathan I. Epstein, Esabell A. Sesterhen // World Health Organization Classification of Tumors.– Lion, 2004. – P. 5-76. (359 p.).
20. Renal cell carcinoma in children: single-center experience / Helmy T, Sarhan O, Sarhan M, El-Baz M, Dawaba M, Ghali A. // *J. Pediatr. Surg.* 2009. Dec. Vol .44(12). P. 5-7.
21. Smith R.A., Cokkinides V., Eyre H.J. American Cancer Society guidelines for the early detection of cancer, 2004. *Cancer J. Clin.* 2004. Vol. 54. P. 41-52.
22. *Шер Х., Мотцер Р.* Злокачественные опухоли почек и мочевых путей // Внутренние болезни /По Тинсли Р. Харрисону. – М.: Практика, 2002. – Т.1. – С. 710_716.

